

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ЭРТАКЛАР ВОСИТАСИДА КИТОБХОНЛИККА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Д.М.Махмудова

Низомий номли ТДПУ

**“Мактабгача таълим педагогикаси ва
психологияси” кафедра ўқитувчиси**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7214533>

Мактабгача катта ёшдаги болаларни китобхонликка қизиқишларини ривожлантириш муаммоси педагогик жараёнда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Педагогика фани ушбу муаммони назарий жиҳатдан ривожлантириш ва уни ўқитиш амалиёти билан амалга ошириш муҳимлигини таъкидлайди.

Мактабгача ёшдаги болалар ўртасида бадиий адабиётга қизиқишни шакллантиришни янги давр учун энг муҳим вазифалардан бири, деб аташ мумкин. Бундан келиб чиқадиган бўлсак, тарбиячи, авваламбор, болаларда керакли услубий техника ва усуллардан фойдаланган ҳолда китобхонлик қизиқишини шакллантириши керак.

Бундай муаммоларни мақсадга мувофиқ равишда ҳал қилиш тарбиячи боланинг қизиқиши моҳияти ва келиб чиқишини, унинг шаклланиш босқичларини, болаларда унинг шаклланиши кафолатланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни тушуниб етгандагина мумкин бўлади.

Қизиқиш – «ақлий жараёнларни атрофдаги ҳақиқат объектлари ва ҳодисаларига танлаб йуналтириш; шахсинг завқ келтирадиган ҳодиса соҳаси билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжи, мойиллиги, истаги».

Албатта, мактабгача ёшдаги болаларда китобхонлик эҳтиёжига бўлган қизиқишнинг ривожланиши мураккаб жараён. Шунга қарамай, «шу ёшдан бошлаб ҳар хил фаолиятга қизиқиш шакллана бошлайди, билимнинг турли соҳаларига, амалий фаолият турларига мойиллик, ахлоқий ва билим интилишлари ривожланади. Бундан ташқари, мактабгача ёшдаги болаларнинг қизиқишлари билим ва фаолиятга кучли ифодаланган ҳиссий муносабат билан тавсифланади. Бу ушбу ёш тоифасидаги болалар манфаатларининг кўп қирралилигини тасдиқлаш имконини беради».

Китобхонликка қизиқиш «боланинг китобни, босма асарни ўқишга танланган ижобий муносабати, унинг маънавий эҳтиёжи ва ўқиш психологиясининг ўзига хос хусусиятларига мос келадиган даражада у учун аҳамият ва ҳиссий жозибадорлик касб этиши керак».

Китобга бўлган иштиёқ болаларда, кўпинча илк болалик даврида уйғонади. Мактабгача тарбия даврида адабий асарларни қабул қилиш қобилиятлари фаол ривожланиб, такомиллашиб боради, китобга қизиқиш

ва муҳаббат кучаяди, яъни бола китобхон сифатида муваффақиятли шаклланиб боради.

Бадий асарлар болани инсоннинг ҳиссиётлари дунёси билан таништиришга ёрдам беради, шахсга, қаҳрамоннинг ички дунёсига қизиқиш уйғотади. Боланинг оғзаки санъат образларини тушунишига ҳисса қўшади, бу орқали бадий асар барча тўлиқлиги ва кўп қирралилиги билан очилади. «Бадий сўз болага товушли она нутқининг гўзаллиги ва бойлигини тушунишда ёрдам беради, у атрофни эстетик идрок этишга ўргатади» [69; 16-бет]. Эртақлар дунёсига саёҳат болаларнинг тасаввурини ривожлантиради, натижада ёзишга уринишлар бўлади.

Мактабгача таълим "Илк қадам" Давлат ўқув дастурида таъкидланган бадий адабиёт «адабий нутқни ривожлантириш, оғзаки ижод билан таништириш, бадий идрок ва эстетик дидни, дастлабки ахлоқий ғояларни ривожлантириш орқали китобларни ўқишга (идрок этишга) қизиқишни шакллантиришга қаратилган.

Фикримизча, болаларда бадий адабиётлардаги эртақлар матнини илк ўқишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш учун китоблардаги кўرғазмалар «Илк қадам» давлат ўқув дастурининг мавзувий режасига оид тарбияланувчилар ёшига, уларнинг атроф-олам ҳақида олган билими, тасаввур, тушунчаларига биноан ташкил этилиб, методик жиҳатдан тўғри намойиш қилиниши лозим. Кўрғазмали материал рангли, яққол, тушунарли, ёқимли, жозибали, эртақ мазмунини тўғри акс этадиган ва шунга мувофиқ уни қабул қилишга истак, хоҳиш уйғотадиган, ўйлашга, мантиқий фикр юритишга, жумбоқли вазият яратишга қаратилган бўлиши лозим. Шунга биноан «Мактабгача ёшдаги болаларни китобхонликка қизиқтиришда эртақларнинг ўрни», «Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни ривожлантирувчи ўйинлар ва машқлар» номли методик қўлланмалар тайёрланди, амалиётда тадқиқ қилиниб, сўнг нашрдан чиқарилди. Ушбу қўлланмаларда мактабгача таълим ташкилотларининг тарбиячилари учун болаларни ҳар бир эртақ мазмуни билан таништириш жараёнида, унинг матнини ифодали ўқиш, сюжетли-мазмунли, предметли расмларни намойиш қилиш, босма ҳарфлар билан таништириш методикаси ёритилмоқда. Сўнг олинган билим, саҳналаштириш, сюжетли-ролли, дидактик ўйинларда мустаҳкамланиб, фаоллаштирилади. Бунда асосий эътибор болалар нутқини ривожлантириш, уларни турли хил методлар орқали босма ҳарфларни сўзнинг бошида, ўртасида, охирида қўллашга ўргатилади.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Қодирова Ф.Р, Тошполатова Ш.Қ, Каюмова Н.М, Аъзамова М.Н. “Мактабгача педагогика” Тошкент: “Адабиёт учқунлари” -2019. –Б. 169
2. Қодирова Ф.Р. Мактабгача ёшдаги болаларда диалогик нутқни ривожлантиришнинг рухий омиллари. Қоз.,Сариоғоч, 1998.- 214
3. Қодирова Ф.Р, Махмудова Д.М. Мактабгача таълим ташкилотларида “Тил ва нутқ” марказларида таълимий жараён. 2022 й